

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

*5410100- Агрокимё ва агротуркшунослик бакалавриат таълим
йўналишининг давлат таълим стандарти*

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата 5410100 - *Агрохимия и агропочвоведение*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари**

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

**5410100- Агрокимё ва агротуроқшунослик бакалавриат таълим
йўналишининг давлат таълим стандарти**

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Тошкент

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент давлат аграр университети.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» нарт даги 84 -сон буйруги.

3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришилар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири

МУНДАРИЖА

	бет
т/р	
1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиши асослари	1
2. Кўлланиш соҳаси	2
3. Атамалар, таърифлар, кисқартмалар	2
4. Таълим йўналишининг тавсифи	3
5. 5410100-Агрокимё ва агротуроқшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи	3
6. Бакалаврининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар.....	5
7. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари	21
8. Бакалавриатининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар	36
8.1. Бакалавриатнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар	36
8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши	37
8.3. Малака амалиётларини ташкил этиш талаблари	37
8.4. Ўкув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар	40
8.5. Таълим жараёнини ўкув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари	40
8.6. Ўкув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар	41
9. Бакалаврлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш	41
10. Эслатма	42
11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати	43
12. Илова	44
13. Библиографик маълумотлар	45
14. Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари хамда кадрлар истеъмолчилари	46

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари
Олий таълимнинг давлат таълим стандарти
5410100- Агрокимё ва агротуроқиунослик бакалавриат таълим
йўналишининг давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана**

**Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата 5410100 - Агрохимия и агропочвоведение**

**State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan
State Educational Standards of Higher Education**

**State Educational Standard on the level of bachelors of 5410100 – Agro
chemistry and agro soil science**

Амал килиш муддати «23 » 09 2014 йилдан
« » 201 йилгача
ЧЕКЛАММАГАН

1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишида кўйидаги хужжатларга асосланилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури», Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5 – сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида”ги Низом.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 33-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашти ва ўюкори

5083	son bilan
«29» 09	2014 yilda
Davlat ro'yhatiga ollindi,	

малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ти ПҚ-1533-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги 158-сонли буйруклари билан тасдикланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори".

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 29 октябрда тасдикланган 418-сонли буйруги ("Магистратура тўғрисида Низом", Адлия Вазирлигида 2012 йил 18 декабрда 2405-ракам билан рўйхатдан ўтган).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ти ПҚ-1875-сонли Қарори.

2. Кўлланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) 5410100-Агрокимё ва агротуроқшунослик бакалавриат таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилиши амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш хукуқига эга деб хисобланади.

2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини хисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиши, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқувтарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хукуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

3. Атамалар, таърифлар, қискартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги ҳалкаро хужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият обьектига таъсир килишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмун;

модуль – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий туталланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир кисми;

таълим йўналиши – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришни тъминловчи таянч ва фундаментал билимлар, ўқувлар ва кўникмалар мажмуаси;

касбий фаолият обьекти – предметлар, вокеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида харакатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иктисолий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият обьектларининг мажмун;

бакалавриат – олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўкиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

бакалавриатнинг таълим дастурлари (бакалавриат дастури) – ўқув фанларининг бакалавриат йўналишларига кўйиладиган малака талабларига мувоффик кадрларнинг зарурӣ ва етарли даражадаги тайёргарлигини тъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

ўқув-ўрганиши натижалари – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмун;

ДТС – Давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқикот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

4. Таълим йўналишининг тавсифи

4.1. 5410100- Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий хужжат(лар) берилади.

4.2. Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даражаси)	Таълим дастурини ўзлаштиришининг меъёрий муддати
Бакалавриат таълим дастури	Бакалавр	4 йил

5. 5410100- Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятнинг тавсифи

5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятнинг соҳаси:

5410100- Агрокимё ва агротупроқшунослик бакалавриат таълим йўналиши – кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илмий асосланган тупрок унумдорлигини саклаш ва ошириш, тупрок ресурслари ва атроф-мухитни муҳофаза килиш жараёнлари, маҳаллий ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш, сервис хизмат

кўрсатиш жараёнларини ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш билан боғлик комплекс масалалар.

Бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни камраб олади:

- фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотлари;
- агросаноат мажмуаси;
- қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот муассасалари;
- агросаноат мажмуаси бошқармалари;
- агросаноат сервис ҳизмат кўрсатиш корхоналари;
- тупроқшунослик ва агрокимёда ишлаб чиқарилаётган экологик соф маҳсулотларни сифатини таъминлаудиган ишлаб чиқарши жараёнларини таҳлил, синтез қилиши ва оптималлаштириши усусларини қўллаш;
- тупрок, ўсимлик ва ўгитларни сифат таҳлилини амалга ошира олиши;
- ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калийнинг миқдори асосида агрокимёвий хаританомалар тузиш;
- ўгит қўллашни ташкил қилиши ва амалга оширишни бажарши;
- асосий қишлоқ хўжалик экинлари ўгитлаш тизимини билиши ва экинларни етишиштириша ўгитларни тўери қўллашни билиши;
- қабул қилинган услублар асосида агрокимё ва тупроқшунослик илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижсаларини статистик ишловдан чиқарши ва хулоса белгилаш.

5.2. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг объектлари:

5410100- Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари:

- тупрок, ўгит, тадқиқот қилиш усуслари;
- тупрок микрофлораси ва микрофаунаси;
- тупрок хариталари, агрокимё картограммалар;
- тупроқларнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хусусиятлари;
- тупроқларни муҳофаза қилиш, унумдорлигини саклаш ва ошириш йўллари;
- тупроқларни эрозия жараёнларидан саклаш;
- тупроқларнинг балл бонитетларини хисоблаш;
- шўрланган тупроқлар, шўр ювиш, ер ости сувлари, очик ва ёпик зовурлар;
- ўкув жараёни.

5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари

- илмий – тадқиқот;
- ишлаб чиқарши-технологик;
- лойиҳавий-хариталаши ва ерларни баҳолаш;
- агрокимёвий сервис хизмати;
- ташкилий-бошқарши.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараённинг манбаатдор иштироқчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аникланади.

5.4. Касбий мослашини имкониятлари

Педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши.

5.5. Таълимни давом эттириши имкониятлари

5410100 – Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин 5A410101-Агротупроқшунослик (соҳалар бўйича) ва 5A410102-Агрокимё магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўкишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

6. Бакалаврининг тайёргарлик даражасига кўйиладиган талаблар

6.1. 5410100- Агрокимё ва агротуроқиунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган умумий талаблар:

а) умумий талаблар:

- дунёкарош билан бөглиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил кила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллӣ ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён кила олиши ва илмий асослай билиши, миллӣ истиқлол гоясига асосланган фаол ҳаёттий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши хамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф мухитга муносабатини белтиловчи ҳуқуқий хамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни хисобга ола билиши;

- аҳборот йигиши, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустакил асосланган карорлар қабул кила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича ракеботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлами ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил кила олиши;

- соглом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурини тўғрисида илмий тассаввур хамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиникириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустакил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида кўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

б) қаебий талаблар:

Илмий - тадқикот фаолиятида

Бакалавр:

- илмий тадқикот ишларини амалга ошириша тупрокларнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларини ўрганиш, ўйт қўллаш тизими ва қўллаш жараёнлари билан бөглиқ тадбирларда қатнашиш;

- қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини агрокимё ва тупрокшунослик соҳасидаги маҳсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютукларни ўрганиш;

- илмий тадқикотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишида қатнашиш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий техник маълумотларни йигиши, ишлов бериш, таҳлил килиш ва тизимлаштириш;

- тадқикот натижалари ва ишланмаларни татбик этишида қатнашиш кобилиятига эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:

Бакалавр:

- ўғитлаш тизимини тузиш, ўғитларни тўплаш, саклаш, ташиш ва қўллаш;

– тупрок унумдорлигини ошириш ва кишлек хўжалик экинлар етишириш ва хосилдорлигини ошириш технологияси бўйича илмий изланишларни ўтказиш ва натижаларини татбик этиш;

– илгор технологияларни жорий этиш;

– хўжаликларда мавжуд тупрокларга илмий асосланган дехкончилик тизимини жорий этиш;

– илмий ва амалий фаолиятда янги техника, автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш;

- тупрок ресурсларини эрозия, шўрланиш, ботқокланиш, оғир металлар радионуклеидлар билан ифлосланиш, зичланиш, дегумификация каби жараёнлардан саклаш;

- экологик тоза маҳсулот этишириш;

- ўғит, стимуляция-препаратлари, кимёвий химоя воситаларининг янги турларини жорий килиш жараённада амалга ошириладиган тупрок экспертизалирида қатнашиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Лойиҳавий хариталаш ва ерларни баҳолаш фаолиятда:

Бакалавр:

– бажарилётган лойиҳавий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва амаллий ишлар ишлаб чикиш ва таддикот қилиш;

– лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чикиш;

– амалиётда ахборот технологияларнинг халкаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтиносслигига мос равишда кўллаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Агрокимёвий сервис хизмати фаолиятда:

Бакалавр:

- ўз фаолиятида меъёрий-хукукий хужжатлардан фойдалана олиши;

- ўз касбий фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш ва уларни амалда кўллай олиши;

- экологик хавфсизлик шароитларини баҳолаш, табиий оғатлардан химоя қилиш асосларини ҳамда уларни бартараф қилиш тадбирларини кўллай олиши;

- ўғит кўллаш тизимидағи хужжатларни тайёрлаш ва фойдалана олиши;

- агрокимё сервис хизматидаги янги замонавий анализик усуллари, лаборатория асбоб-ускуналаридан фойдалана олиши керак.

Ташкилий-бошқариш фаолиятда:

Бакалавр:

– мутахассисликка оид долзарб масалалар ечимларини амалиётта татбик этиш ва ишлаб чикиш, ишлаб чикариш жараённада сифатли бошқаришни олиб бориш;

– бажарувчилар жамоасининг ишларини ташкил қилиш ва фикрлар хилма-хиллиги шароитда бошқарув счимларини кабул қилиш;

– меҳнат жамоасини ташкил қилиш ва ишлаб чикариш жараённини бошқариш;

– бажариладиган иш режасини тузиш ва назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўладиган захираларни аниклаш, шахсий иш натижаларини баҳолаш;

– атроф-мухит ва меҳнат муҳофазаси тизимининг ишлаб чикариш жараёнларига мувофиқ келиши бўйича мониторинг ўтказиш қобилиятига эга бўлиши керак.

6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўниқмаларига қўйилган талаблар

6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар бўйича талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блоки бўйича талаблар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурӣ билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

6.2.2. Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар

6.2.2.1. Олий математика фани бўйича

Бакалавр:

- математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги **ҳақида масаввурга эга бўлиши;**
- обьектларнинг миқдорий ва сифат нисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиши;
- математик тахлил, аналитик геометрия, чизикли алгебра, комплекс ўзгарувчи функция назарияси, экстремолик назарияси ва статистик математика, дискрет математиканинг асосий тушунчалари ва методларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- алгебраик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;
- оддий дифференциал тенгламаларни тадқиқ килиш, уларни аналитик ва сонли ечиш;
- математик физиканинг асосий тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш;
- математик моделлаштиришни услуб ва моделларини кўллаш **кўнижмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича

Бакалавр:

- ахборот ва уни саклаш, уларга ишлов бериш ва уларни узатиш усуллари **ҳақида масаввурга эга бўлиши;**
- турли даражадаги дастурлаш тилларини, маълумотлар базаларини, дастурий таъминот ва дастурлаш технологиясини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- дастурлаш ва хисоблаш техникаси ҳамда дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш **кўнижмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.2.3. Физика ва агрометеорология фани бўйича

Бакалавр:

- физикавий обьект сифатида коннотни бутунлигича ва уни эволюцияси;
- табиий фанларнинг фундаментал бирлиги, табиат илмини тугалланмаганлиги ва уни ривожланиши давом этиши мумкинлиги;
- табиатдаги динамик ва статистик қонуниятлар;
- ядро, атом ва элементар зарраларнинг хоссалари;
- физикавий изланиш услублари;
- физиканинг замонавий ютуклари;
- билишда эмпирика ва назариянинг нисбатлари;
- асосий физикавий жараёнлар тўғрисида
- қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши ва ривожланишида ўтадиган жараёнларнинг метеорологик жихатлари;
- қишлоқ хўжалик экинлари ривожланишининг турли фазаларида зарур
- бўлган метеорологик омиллар (харорат, ёргулик, намлиқ)
- кийматлари чегаралари;
- қишлоқ хўжалик экинлари учун асосий омил, тупрокнинг ҳарорати ва намлиги тўғрисида **масаввурга эга бўлиши керак;**
- биофизика, оптика, механика, электр ва магнетизм, тебраниш ва тўлкин, квант физика, статистик физика ва термодинамиканинг асосий тушунча ва қонунларини;
- термодинамик системаларини;
- тебраниш жараённинг кинетикасини;
- қишлоқ хўжалиги экинлари учун тупрок катламининг ҳарорати, устки катламининг намлиги ва экинларнинг ривожланиш фазалари;
- ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида фотосинтез жараённинг аҳамияти;
- қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлигини миқдор жихатдан баҳолаш;
- ўсимлик илдизи озикланадиган тупрок катлами намайни

- дала ишларида агротехник тадбирларнинг ўтказилиш муддатлари ва сифатларини билиши ва кўллай олиши керак;

- физикавий моделларни ўрганиш;

- ишлаб чиқариш жараённида энг оддий физикавий системалар моделини кўллаш;

- табиий фанларнинг турли бўлимларига хос катталикларнинг кийматлари тартибини ўлчаш ва баҳолаш

- кишлок хўжалик экинларини ривожланиши ва хосилдорлигини аниглаш мақсадида метеорологик асбоб ва ускуналардан фойдаланиш;

- агроклиматни аниглаш ва таҳлил қилиш *кўнижмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.4. Кимё фани бўйича

Бакалавр:

– фанининг анерганик, аналитик, органик, физикавий ва коллоид кимё бўлимлари мазмунни ва уларнинг кўлланиш услублари *ҳақида масаввурга эга бўлиши;*

анерганик кимё: элементлар даврий тизимини, моддаларнинг кислота-асослик ва оксидланиши-кайтарилиши хусусиятларини, кимёвий болганиш, комплементарлик, комплекс бирикмалар, элементлар кимёси, s-, p-, d- ва f- элементларни;

аналитик кимё: сифат ва микдорий таҳлил, кимёвий таккослаш, аналитик сигнал, кимёвий, физик-кимёвий, физикавий таҳлилни;

органик кимё: Бутлеровнинг тузилиш назариясини, органик моддаларнинг реакцион кобилияти, органик кимёда изомерланиш ва номланиш, ахборот таҳлили, кўзгу (оптик) изометрияси, органик бирикмаларнинг асосий синфлари, терпенлар, стероидлар, каротиноидлар, липидлар, углеводлар, азот сакловчи бирикмалар, гетероциклик бирикмалар ва нуклеин кислоталар, олигомер ва полимерларни;

физикавий ва коллоид кимё: модданинг агрегат ҳолати, кимёвий жараёнлар энергетикаси, эритмалар, дисперс тизимлар, кимёвий кинетика ва катализ, кимёвий ва фазовий мувозанатни, электрокимё ва коллоид кимёни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

Ўзбекистонда анерганик кимё фани ва кимё саноати, кимёвий таккослаш, биологик фаол органик бирикмалар ва кишлок хўжалик ишлаб чиқаришни кимёлаштириш *кўнижмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.5. Биология ва генетика фани бўйича

Бакалавр:

- биология фанининг бошка фанлар билан алокадорлиги, Дарвиннинг эволюцион таълимоти, тур ва популяция тушунчалари, организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши, биосфера таълимоти, ирсият ва ўзгарувчанлик, ирсиятнинг моддий асоси;

- ДНК ва РНК структураси, Мендель конунлари, генларнинг ўзаро таъсири натижасида белгиларнинг наслга ўтиши, жинс генетикаси, белгиларнинг бириккан ҳолда наслга ўтиши, индивидуал ривожланиши ва популяция генетикаси ҳакида *масаввурга эга бўлиши керак.*

- организмлар репродуктив органларини, уларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланишини;

- ирсиятнинг моддий асосини ва уни ўзгартириш мумкинлигини;

- аллель ва ноаллель генларнинг ўзаро таъсири натижасида белгиларнинг наслга ўтишини;

- жинс билан бириккан белгиларнинг наслга ўтиш механизмини;

- бўғинларда гомозигот ва гетерозигот организмлар пайдо бўлишини, гетерозисни

билиши ва улардан фойдалана олиши:

- белгиларнинг наслга ўтиш конунийлари асосида организмларни чатиштириш усусларини белгилаш;

- ирсиятни ўзгартириши, гетерозис олиш *кўнижмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.6. Экология ва атроф мухит муҳофазаси фани бўйича

Бакалавр:

- экологик тизимларнинг биологик маҳсулдорлиги, организмларнинг яшаш мухити, экологик ҳолат ва инсон соглиги орасидаги муносабатларнинг физиологик хусусияти, табиат тизимларининг асосий хусусиятлари, табиатдан оқилона фойдаланишинг янада такомиллашган механизмларини шакллантириш, экологик тоза маҳсулотлар стиштириш технологиялари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

Ўзбекистоннинг мухим экологик муаммолари ҳақида илмий асосланган маълумотлар беришни;

- хозирги замон экология фанини мухим муаммоларини;
- кишлоп хўжалиги агроландшафттининг экологик ахволини аниклашни;
- ўсимлик ва ҳайвонларнинг экологик омилларга чидамлилигини баҳолашни;
- атроф-муҳит ва организмнинг ўзаро таъсири ҳақида маълумотлар беришни;
- инсон ва атроф-муҳитнинг физик, химик ва биологик ҳодисаларнинг зарарли таъсиридан химоя килиш усули ва вазифаларини;
- синергетик жараёнлар ҳақида талабаларга маълумот беришни;
- кишлоп хўжалиги метеорологияси, иклимшунослик ва метеорологик ҳодисаларини;
- метеорологик катталиклар ва уларнинг ўзгаришини иклим шароитларига ҳамда экологик ҳолатига таъсирини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- табиатдан рационал фойдаланиш ва атроф-муҳитни химоя килиш ҳақида тадбир режаларини тузиш;
- атроф-муҳитга таъсир этувчи омиллар ва бу омилларни тирик организмга таъсир механизми тўғрисида маълумотлар бериш **қўнималарига эга бўлиши керак.**

6.2.3. Умумкасбий фанлар бўйича талаблар

6.2.3.1. Ботаника ва ўсимликлар физиологияси фани бўйича

Бакалавр:

- Ўзбекистон ўсимликлари, ўсимликларнинг анатомик ва морфологик тузилиши, вегетатив ва генератив органларининг вазифалари, ўсимликлар географияси, экологияси ва уларни муҳофaza килиш; ўсимликларда борадиган физиологик-биокимёвий жараёнлар, уларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларидаги ўзгаришлар ва нокулай омилларга чидамлилиги, таркибидаги биополимерлар **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- ўсимлик хужайраси ва тўқималарини тузилишларини ўсимликларнинг вегетатив ва генератив аъзоларининг морфологик ва анатомик тузилиши, уларнинг ўзгаришларини;

- ўсимликларнинг кўпайиш усулларини ва чангланиш-уругланиш жараёнларини;
- ўсимликлар систематикасини, ўсимликлар экологиясини,

улардан онгли равишда фойдаланишини ва муҳофaza килишини;

- ўсимликлардаги фотосинтез реакциялари ва унда углероднинг ўзлаштириш йўлларини;

- нафас олиш ва унга муҳит омилларининг таъсирини;

- сув алмашинув ва ўсимликларнинг минерал озиқланиши, макро- ва микрозлементларнинг аҳамиятини;

- ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини, нокулай омилларга чидамлилиги ва уларни бартараф этиш йўлларини;

- ўсимликлардаги оксиллар, нуклеин кислоталар углеводлар, липидлар мидори, тузилиши, таснифи ва уларнинг алмашинувини;

- ўсимликлар томонидан нитратларнинг ўзлаштирилиши ва аминокислоталар синтезини;

- ўсимликлар таркибидаги ферментлар ва витаминалар, уларнинг тузилиши ҳамда вазифаларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- маданий ва ёввойи ўсимлик турларини аниклаш, ўсимлик жамоаларини геоботаник ўрганиш;

- турли тупроқ-иклим шароитларида ўсимликларни етиштириш ва уларни нокулай омилларга чидамлилигини кучайтириш;

- ўсимликлардаги физиолигик-биокимёвий жараёнларни бошкариш орқали уларнинг хосилдорлигини ошириш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.2. Микробиология, фитопатология ва қишлоқ хўжалик биотехнологияси фани бўйича

Бакалавр:

- микроорганизмларининг морфологияси, тарқалиши, кўпайиши, озикланиши ва классификацияси;

- микроорганизмларга таъсир килувчи ташки мухит омиллар;

- микроорганизмларни табиятда моддалар алмашинуви жараёнидаги ўрни;

- анъанавий ва замонавий биотехнология структураси;

- ўсимликларнинг ген ва хўжайра мухандислиги;

- ўсимлик касалликлари ҳақида, ўсимликларда замбурутлар, бактериялар ва вируслар кўзғатадиган касалликлар ва уларнинг белгилари;

- ўсимлик касалликларини ривожланиши ва кўпайиши;

- қишлоқ хўжалик экинлари касалликлари ривожланишини олдини олиш усуслари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- микробиологияда кўлланиладиган стериллаши усусларини;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кайта ишлашда микроорганизмлардан фойдаланиш усусларини;

- тупроқ унумдорлигини оширишда микроорганизмларни кўллаш усусларини;

- ўсимликларни ген мухандислигида кўлланиладиган асосий усусларини;

- ўсимлик хўжайраларини кўпайтириш жараёнини;

- ўсимликлар ҳўжайрасида хосил бўладиган моддаларни тоза ҳолда ажратиб олиш усусларини;

- сапрофит ва паразит микроорганизмларни;

- патоген микроорганизмларни ўсимликларда касалликларни кўзғатишни;

- патологик жараён, бирламчи ва иккимачи инфекция, инкубацион даври;

- қишлоқ хўжалик ўсимликлари касалликлари турларини аниклашни,

- ўсимликларнинг касалликларга иммунитети,

- касалликларга карши янги препаратларни кўллаш усусларини;

- касалликларга карши ўйғунлашган кураш чораларини ишлаб чикиш ва уларни кўллашни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- микроорганизмларни соф культурасини олиш;

- стерил шароит яратиш ва озика мухити тайёрлаш;

- соғлом ўсимликларни меристемадан кўпайтириш;

- ажратилган ўсимлик ҳўжайра ва тўқмиларини ўстириш технологиясини;

- қишлоқ хўжалик экинлари касалликларини касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар систематикаси ва биологик хусусиятларини аниклаш;

- ўсимлик касалликларига карши ўйғунлашган кураш чоралари, касалликларга карши кураш чораларини биологик ва иқтисодий самарасини аниклаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.3. Геология ва минералогия асослари фани бўйича

Бакалавр:

- ернинг ёши, қобиги, она жинс ҳосил қилувчи тог жинслари;

- минераллар уларни физик-кимёвий хоссалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- куёш системаси, ернинг пайдо бўлишини;

- тог жинси, минераллар ва бошқа биримларни ўзгариш жараёнларини;

- тупроқ пайдо бўлиш босқичида шамол, рельеф ва ер ости сувларининг ахамиятини;

- тупроқ пайдо қилувчи жинс ва ётқизикларнинг асосий турларини талкинини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- тарихий геология методлари, эндоген ва экзоген жараёнларини таҳлил қила билиши;

- магматик, метаморфик, чўкинди жиснларини аниклаш;

- бирламчи ва иккиламчи минералларнинг турларини билиши ва аниклай олиш **кўнижмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.3.4. Тупроқ биологияси ва физикаси фани бўйича

Бакалавр:

- тупроқ унумдорлигига тупроқ биологик кисмининг аҳамияти;
- тупроқ биотаси-тупроқда хаёт кечирадиган ва у билан боғлик тирик микро ва макроорганизмлар;

- тупроқ фаунасининг таксономик гурухлари ва уларнинг экологик функциялари;

- тупроқ диагностикаси ва биологик индикацияси;

- тупроқ биологиясининг экологик ва амалий жиҳатлари;

- тупроқ физикаси фанини ривожлантиришда хисса кўшган буюк олимларнинг хизматлари;

- тупроқ физикаси курсининг мазмуни ва методикаси;

- тупроқ каттиқ қисми физикаси, механик элементларнинг келиб чикиши ва таркиби;

- тупроқ структураси ва унинг аҳамияти;

- тупроқнинг умумий физик, физик механик хоссалари ва тупроқ сув шакллари ҳакидаги **тасаввурга эга бўлиши керак.**

- тупроқ хосил бўлиш жараёнида тубан ўсимликлар (микроорганизм ва лишайниклар) яшил ўсимликлар ва ҳайвон организмларининг роли;

- тупроқ жонзотларининг умумий тавсифи;

- ҳайвон организмлари ва уларни тупроқ хосил бўлишидаги аҳамияти;

- protoазалар,чувалчанглар,хашоратлар умуртқали ҳайвонлар;

- тупроқ замбуруғлари, замбуруғларнинг умумий тавсифи;

- тупроқ замбуруғларининг таксономик гурухлари;

- тупроқ прокариотларининг таксономик таркиби;

- вирус ва фаглар, вирусларнинг очилиш тарихи, вирусларнинг тузилиши, кўпайиши;

- фагларнинг очилиши, уларнинг тузилиши ва кўпайиши;

- тупроқ микроорганизмларининг биосферада модда ва энергия алмашинуидаги иштироки;

- озука муҳитлар таркиби ва микдорини;

- тупроқ микроорганизмларининг биосферадаги ва тупроқ хосил бўлиши жараёнларидаги роли;

- микроблар метаболизми тавсифи, углерод цикли, CO_2 ни фиксация жараёnlари, углерод ва уни мобилизацияси;

- кислороднинг айланиши, молекуляр водороднинг хосил бўлиши ва оксидланишини;

- азотнинг табиатда айланиши S, P, R, Fe, Mn, Al ни айланишини;

- тупроқ хосил бўлишидаги биологик жараёnlар, ўсимликлар колдикларини ҳаракатланиши ва тўшама хосил бўлиши;

- тупроқларнинг механик таркибига кўра классификацияси механик таҳлил маълумотларини расмийлаштириш;

- тупроқ говаклиги ва унинг табакаланиши;

- тупроқ умумий физик хоссаларини яхшилаш йўллари;

- курилиш ишларида грунтларнинг пластиклик микдорига караб классификациялаш;

- тупроқнинг пластиклиги, ёпишқоқлиги, каттиклиги, чўкиши, бўкиши каби физик-механик кўрсаткичлари бўйича **билиши ва улардан фойдалана олиши.**

- турли тупроқларнинг биологик фаоллиги ва уларни аниклаш;

- тупрок тузилмасини шаклланишида тупрокда кечадиган микробиологик жараёнлар ва ўгитлар, тупрок унумдорлигини оширувчи ва микробли препаратларни кўллай олиш;

- тупроқнинг механик таркиби, физик-механик хоссалари, тупрок структурасини яхшилаш;

- тупроқларнинг сув ва иссиқлик режимини мўътадиллаштириш усуллари билан тупрок унумдорлигини саклаш, тиклаш ва ошириш бўйича агротехник чора-тадбирларни ишлаб чикиш *қўнижмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.5. Тупроқшунослик фани бўйича

Бакалавр:

- ернинг ривожланиш тарихи;

- геологиянинг кишлек хўжалигидаги асосий вазифалари;

- тупроқларнинг шўрланиши, эрозия ва бошка салбий оқибатлар таъсирида унумдорлигини камайиши, экинлар хосилдорлигини *ҳақида тассавурга эга бўлиши*;

- тупроқшунослик фанининг мақсади ва вазифалари, фаннинг ривожланиш тарихини;

- тупрок хосил бўлиш жараёнининг умумий схемаси: тупрок пайдо бўлишида моддаларнинг катта геологик ва кичик биологик айланишини;

- тупрок профилининг тузилиши ва морфологик белгиларини;

- тупрок ва тупрок пайдо қилувчи жинсларнинг гранулометрик таркибини;

- тирик организмларнинг тупрок хосил бўлишидаги ва тупрок унумдорлигини оширишдаги аҳамиятини;

- тупроқнинг органик кисми, кимёвий таркиби, тупрок коллоидлари ва тупроқнинг сингдириш қобилиятини;

- тупрок структураси, тупроқларнинг физик, физик-механик, сув, иссиқлик ва ҳаво хоссалари хамда уларни мўътадиллаштириш йўлларини;

- тупрок генезиси, эволюцияси ва класификациясини;

- тунлра ва тайга-ўрмон минтакасининг тупроқларини;

- ўрмон-дашт ва дашт минтакасининг кора тупроқларини;

- куруқ дашт минтакасидаги каштан тупроқларини;

- шўрланган тупроқларни;

- чўл минтакаси тупроқларини;

- куруқ субтропикларни тог олди типик ва тўқ тусли бўз тупроқларини;

- гидроморф тупроқларни;

- нам субтропик зонасининг қизил ва сариқ тупроқларни;

- тог тупроқларини;

- тупрок муҳофазасини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- тупрок хосил бўлишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар, уларнинг келиб чикиши, таркиби, ва улардан кишлек хўжалигига фойдаланиш.

- тупроқлар унумдорлигини белгилашда уларнинг асосий ҳусусиятлари ва жойнинг тупроқ-иклим шаронтиларидан фойдаланиш;

- тупрок хариталари ва агрокимёвий хаританомаларини тузиш ваулардан экинларни жойлаштириш хамда катор ораларини ишлашда фойдаланиш;

- сугориладиган дехкончилик шароитида экинлардан юкори хосил олишда ноанъанавий технологияларини кўллаш *қўнижмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.6. Агрокимё фани бўйича

Бакалавр:

- агрокимё фани ва унинг кишлек хўжалигига онц фанлар ўртасидаги аҳамияти;

- республика ва хориждаги агрокимё хизматининг таркиби ва фаолияти тўғрисида;

- ўсимликларнинг илдиздан озикланишининг назарий асослари, тупрок хоссалари ва ўгитларни тўғри кўллаш;

- дехкончиликда озиклантирувчи моддаларнинг айланиши **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
 - агрокимёвий дала тажрибаларнинг асосий элементлари;
 - минерал ўгитларнинг турлари ва хоссалари;
 - минерал ва маҳаллий ўгитларни саклаш, ташиш ва тупрокка солиш технологиялари;
 - ноанъанавий ўгитлар ва улардан фойдаланиш йўллари;
 - кишлок хўжалик экинлари озиклантиришининг тупроқ ва ўсимликлар асосида ташхиси;
 - сугориладиган ва сугорилмайдиган, эрозияга учраган ва учрамаган, шўрланган ва шўрланмаган тупрокларда ўсимликларнинг илдиздан озикланиши усулларини бошкариш;
 - тупрокларнинг хариталари ва агрокимёвий хариталарини тузиш усуллари;
 - ўгитлардан окилона фойдаланиш йўлларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
 - мамлакатимизда ишлатиладиган асосий минерал ва маҳаллий ўгит турларини фарклаш:
 - ўгитлар таркибидаги озик элементлар микдорини аниглаш;
 - агрокимёга оид соҳасида илмий изланишлар олиб бориш;
 - тадқиқотлар натижаларини статистик ишлаш;
 - майший чиқинидилардан маҳаллий ўгит сифатида фойдаланиш;
 - тупрокларнинг озик элементлар билан таъминланганлигини белгилаша агрокимёвий хаританомалардан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.3.7. Умумий дехкончилик фани бўйича

Бакалавр:

- дехкончиликни ривожлантиришга каратилган қонун ва карорларни;
- дехкончиликдаги муаммоларни, дехкончиликнинг умумий масалалари;
- ўсимликнинг ҳаёт омиллари;
- тупроқнинг сув-физик хоссалари ва сув режимини бошкариш усуллари;
- тупроқнинг ҳаво, иссиқлик, озик режимлари ва уларни бошкариш усуллари;
- ерга асосий, экин экишдан оддин, ва экин экишдан кейин ишлов бериш;
- бегона ўтларнинг турлари ҳамда улар билан далаларни ифлосланиш даражасини аниглаш;
- экинларни экиш усуллари, экиш меъёрларини хисоблаш;
- алмашлаб экишни лойихалаштириш, жорий этиш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- ўсимликни ҳаёт омиллари билан оптимал даражада таъминлашни;
- тупроқнинг сув режимини бошқаришни;
- тупроқнинг ҳаво, иссиқлик ва озик режимларини бошқаришни;
- ерга асосий ишлов беришни;
- экин экишдан оддин ишлов беришни;
- экин экишдан кейин ишлов бериши усулларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- бегона ўтларнинг турлари ҳамда улар билан далаларни ифлосланиш даражасини аниглаш;
- кураш чораларини олиб бориш;
- экинларни экиш усулларини танлаш;
- экиш меъёрларини хисоблаш;
- ерни хайдаш, экин экишга тайёрлаш;
- экин усулларини танлаш, экин муддатларини белгилаш;
- бегона ўтларга карши агротехник, кимёвий кураш чораларини олиб бориш;
- катор ораларига ишлов бериш;
- алмашлаб экишни тузиш;
- экинларни илмий асосда жойлаштириш **кўникмаларига эга бўлиши керак;**

6.2.3.8. Мелиорация ва ер тузиш фани бўйича

Бакалавр:

- Ўзбекистон Республикасида янги аграр ислоҳатларни амалга ошириш ва мелиорацияни ривожлантириш учун кабул килинган карорлар ва конуналар;
- мавжуд сугориладиган ерларни ва табний яйловларни экологик мелиоратив холатини яхшилаш;
- ерларни мелиорация килиш, сув таъминотини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш;
- ер тузиш учун бажариладиган съёмкалар турлари ва усуллари;
- хўжалик план ва карталарининг мазмуни билан танишиш ва ундан фойдаланиш;
- хўжаликлараро ва хўжалик ичида ер тузиш усуллари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;**
- сугориладиган ерларнинг шўрланиши, ботқокланишини олдинни олишда, сув-хўжалик ва агромелиоратив тадбирларни;
- сугориш тармоқларининг тузилиши, таркибий кисмлари, фойдали иш коэффициентлари, уларда содир бўладиган сув истрофгарчилигини олдинни олиш ва карши кураш тадбирлари;
- қишлоқ хўжалик экинларини сугориш тартиблари, сугориш усуллари ва техникаларини;
- коллектор-зовур тармоқларидан самарали фойдаланиши;
- қишлоқ хўжалик план ва карталарини мазмунини ўқиши;
- ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза килиш тамойилларини;
- ички хўжалик ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартибини;
- хўжаликлараро ер тузиш мақсади, вазифалари ва тартибини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- сугоришга берилаётган ва окова сув микдорини хисобга олиш;
- сувдан фойдаланиш ва шўр ювиш режасини тузиш;
- қишлоқ хўжалик экинларидан юкори, сифатли, арzon маҳсулотлар етиштириш;
- ер майдонини картада хисоблаш ва далада ўлчаш;
- асосий геодезик асбоблар билан ер майдонини съёмка килиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.3.9. Энтомология ва ўсимликларни зааркунандалардан уйгунашган химоя килиши фани бўйича

Бакалавр:

- умурткасиз ҳайвонларни асосий гурухларининг тавсифи, уларни систематикаси ва классификацияси; ҳашаротлар морфологияси, анатомияси ва ривожланиши; ўсимликларни зааркунандалардан химоя килишда уйгунашган кураш тизменинг моҳияти тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**
- умурткасиз ҳайвонларни тур таркибини аниклаш усулларини; ҳашаротларнинг морфологик, физиологик ва анатомик тузилишини; энтомофагларни аммовий кўпайтириш усулларини; ўсимликларни кимёвий химоя хилиш воситаларини; микробиологик препаратларни олиш усулларини; зааркунандаларга карши уйгунашган кураш чоратадбирларининг самараадорлигини **билиши ва фойдалана олиши;**
- фойдали ҳашаротларни кўпайтириш; зааркунандаларга карши пестицидларни ишлатиш; микробиологик препаратлардан фойдаланиш; энтомофагларни тарқатиш йўллари юзасидан **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

6.2.3.10. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши механизациялаштириш фани бўйича

Бакалавр:

- республикамизда ва чет элларда кўлланиладиган асосий ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш учун қишлоқ хўжалик техникалар комплекслари,
- технологик жараёнларни бажаришда электроэнергетика ва автоматикадан фойдаланиш ҳақида *тасаввурга эга бўлиши;*
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кўлланиладиган энергетика воситаларининг тузилиши ва ишлашини,
- тупрокка ишлов бериш, ўғит солиш, экин уругларини экиш ва кўчат ўтказиш, экинларни парваришилаш, ўсимликларни химоя қилиш, ем-хашак тайёрлаш технологиялари ва уларга кўйиладиган агротехник талабларни, машиналарининг тузилишини, ишлашини ва технологик созламаларини,
- ҳар хил қишлоқ хўжалик экинларининг хосилини йигиб олишда кўлланиладиган технологиялар ва машиналар, уларга кўйиладиган агротехник талаблар, машиналарининг тузилиши ва ишлашини,
- технологик жараёнларни бажаришда машина трактор агрегатларини тузиш ва улардан самарали фойдаланиш усулларини *билиши ва кўллай олиши;*
- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва чет эллардан келтирилаётган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини бошкариш,
- механизациялашган қишлоқ хўжалик ишларини бажариш технологик харитасини тузиш,
- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникаларини танлаш ва улардан технологик жараёнларни бажаришда самарали фойдаланишини ташкил этиш *кўнижмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.11. Мевачиллик ва сабзавотчилик фани бўйича

Бакалавр:

- мева-сабзавот ва узум нав намуналарини синаш, улардан фойдаланиш ҳамда етиштириш жараёнларини, маҳсулотларини йигиб-териб олиш билан боғлик тадбирлари;
- мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштиришда ўғитлардан фойдаланиши, сугориш тизими, катор орасига ишлов бериш ва касалик ва зааркунандаларга карши курашиш усуллари;
- мева-сабзавот ва узум соҳасидаги маҳсус адабиётлар, илмий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуклари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- мева-сабзавот ва узум етиштиришда жойни "иқдим шаронти, тупроги, сизот сувиниши сатхи, ўғитлаш микдори, муддати, усули, сугориш тизими, касаллик ва зааркунандаларга карши курашишда кимёвий медалардан фойдаланишини;
- мева-сабзавот ва узум етиштириштириш конуниятларини ва уларнинг ўсимликларга таъсир этиш хусусиятлари, муддати, усулларини;
- технологиялар соҳасида: мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва дастлабки қайта ишлаш технологияларидан фойдаланишини;
- мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида: мева дарахтлари, ток тури ва сабзавот экинларини органларининг тузилиши, биологик хусусиятлари, етиштириш технологияси боскичлари, тупрокга ишлов бериш, экиш, ўсимликларни ташки мухит омилларига муносабатини аниклай билиш ва созлаш, сугориш, озиклантириш ва янги навларини яратишни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- мевали, сабзавот, узум ва бошка экинлар навларини танлаш, бўйича илмий изланишларни амалга ошириш ҳамда улар иатижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш қобилиятларига эга булиши;
- мевали боғлар, узумзорлар яратиш ва резавор меваларини экиш, кўпайтириш, етиштириш ва сабзавот экинларни очик майдонда алмашлаб экиш *технологиясидан O'Z STANDARD AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT HAZORAT NI BOYDIFIPLASHTIRISH VA AXBORAT TEKNOLOGIYLARINI JAVOZ ETSI EHS-QARMASI!*

фойдаланиш кўнинмаларига эга бўлиши керак.

6.2.3.12. Ўсимликшунослик ва пахтачилик фани бўйича

Бакалавр:

- кишлек хўжалик ўсимликлари ва гўзани келиб чикиш марказлари, таркалиши, ташки мухитнинг асосий омилларига талаби;
- сугориладиган шароитда дала экинларини интенсив усулда етиштириш, гўза стиштиришининг энергия ва маблаг тежовчи технологиялари ҳақида масавурга эга бўлиши;
- дала экинларини энергия ва ресурс тежамкор технология асосида етиштириш технологиясининг илмий асосларини, экин гурӯхлари бўйича: донлилар, дуккаклилар, мойли экинлар, илдиз ва туганак мевалилар, толалилар, маҳорка ва тамакини;
- дала экинлари морфологияси, биологияси, гўза систематикаси, ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини, ташки мухит омилларига талабини;
- дала экинларида юкори ва сифатли ҳосил шаклланишининг илмий асосларини, минтақалар бўйича дала экинлари ва гўздан юкори ҳосил олишни таъминловчи агротехник тадбирларни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- экинларни экиш: экиш муддати, меъёри, уруг тайёрлаш, экиш чукурлиги, усули, парваришлиш, сугориш, катор орасига ишлов бериш, ўгитлаш, чилпиш, касаллик ва зааркунандаларга карши ишлов бериш, дала экинзорларида апробация ўтказиш, биологик ҳосилни аниклаш ва ҳосилни йигишда техникадан фойдаланиш кўнинмаларига эга бўлиши керак.

6.2.3.13. Кишлек хўжалик маҳсулотларини саклаш, дастлабки ишлаш технологияси, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш асослари билан фани бўйича

Бакалавр:

- кишлек хўжалиги маҳсулотларини саклаш ва бирламчи қайта ишлашнинг асосий усуллари, мева-сабзавотлар сакланадиган доимий ва вактинчалик омборлар, дон злеваторлари, техник экинларни вақтича саклаш ва бирламчи қайта ишлаш, ўсимлик мойлари ишлаб чикириш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги атама ва тушунчалар, сертификатлаш обьектлари ва субъектлари, кишлек хўжалик маҳсулотлари сифатига таъсир этувчи омиллар ҳақида масавурга эга бўлиши керак;

- дон партияларидан намуна олиш ва унинг сифатини таҳдил килишни;
- донни саклашни ва саклашда унинг ҳолатини назорат килишни;
- донни қайта ишлеш усулларини ва тайёр маҳсулот сифатини баҳолашни;
- техник экинлар (қанд лавлаги, тамаки) партияларидан намуна олиш ва уларнинг сифатини таҳдил килишни;
- мева-сабзавот маҳсулотларини йигиб териб олиш, ташиш ва вақтича саклашда қадоқлаш материаллари ва ишчи кучига бўлган талабни аниклашни;
- мева-сабзавот маҳсулотларини саклашга жойлаштириш учун талаб этиладиган омбор сигумини аниклашни;
- мева-сабзавот маҳсулотларини турли усулларда саклашни;
- мева-сабзавот маҳсулотларини физик, кимёвий ва микробиологик усулларда консервалашни;
- мева-сабзавот маҳсулотларини турли усулларда куритишни;
- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришининг хукуқий ва назарий асосларини;
- стандартлар ва бошқа меъёрий хужжатларни ишлаб чикиш ва кўллашни;
- ўлчаш турларини;
- мажбурий ва ихтиёрий сертификатлашни;
- кишлек хўжалиги маҳсулотлари товар кодини тавсифлашни **билиши ва фойдалана олиши**;

- дон сифатини таҳлил килиш учун ўртача намунани шакллантириш;
- дон маҳсулотлари, ўсимлик мойлари ва техник экин маҳсулотларини органолептик баҳолаш;
- омухта емлар ишлаб чиқариш ва саклаш;
- қанд лавлаги сифатини баҳолаш;
- қанд лавлагини саклаш ва дастлабки кайта ишлаш;
- мой ишлаб чиқариш технологияси ва уни сифатини баҳолаш;
- мева-сабзавот маҳсулотлари турига мос саклаш усули ва қадоклаш идишини танлаш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини турли омборларга жойлаштириш;
- мева-сабзавотларни сиркалаш, қанд билан консервалаш ва тузлаш;
- бирламчи шароб тайёрлаш ва саклаш;
- турли шароблар сифатини баҳолай олиш;
- мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини офтобли ҳавода, сунъий қуригичларда қуритиш;
- кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари стандартлари ва сертификатларида кўлланиладиган ўлчамларни тавсифлай олиш;
- маҳсулотларнинг штрих кодларини тавсифлай олиш **қўниқмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.3.14. Ипакчилик ва тутчилик фани бўйича

Бакалавр:

- ипак куртини морфологик-анатомик тузилиши, ипак куртини ривожланишига ташки мухитни таъсири, ипак куртини уругини жонлантириш, ипак куртини боқиши агротехникаси, пиллаларни териш ва уларга дастлабки ишлов бериш, ипак курти касалликлари, ипак курти уругини тайёрлаш ва наслчиллик ишлари, тут баргининг ипак куртлари учун озиқа сифатида фойдаланиш; тут дараҳтини ўсиши ва ривожланишига ташки мухитни таъсири **хақида масавурга эга бўлиши керак;**
- ипак куртидан мўл-кўл пилла ҳосили олишнинг сир-асрорларини, курт уругини жонлантириш, ипак куртини ривожланишинига экологик омиллар; курт боқиши жойи, ҳарорат, намлик, ёруғлик, кичик ва катта ёшдаги куртларни боқиши, ипакчиликда механизацияни кўллаш, сифатли пилла етиштириш, пиллаларни териш технологияси, навларга ажратиш, пиллаларни кабул килиш ва гумбагини ўлдириш, ипак курти касалликлари ва уларга карши курашиш чоралари, ипак кургининг наслчиллиги ва урут тайёрлаш жараёнларини, тут дараҳтини тузилишини ва озука берувчи тутзорларни ташкил килиш, тутни кўпайтириш усувлари, тут дараҳти касалликлари ва зараркунандаларини **билиши ва уларга қарши курашиш чораларини қўллай олиши керак;**
- ипак куртини жонлантириш, ипак куртини боқиши ва пиллаларни дастлабки ишлов бериш, ипак курти касалликларини аниклай олиш, зараркунандаларига қарши курашиш, ипак курти учун тут дараҳтини озука плантацияларини ташкил килиш, тут дараҳтини касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш **қўниқмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.3.15. Кишлок хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент асослари фани бўйича

Бакалавр:

